

ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА СИЁСИЙ МУЛОҚОТ ЗАРУРИЙ ВОСИТА СИФАТИДА

Найимов Отабек

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Маълумки, парламентлар ўзаро ҳамжиҳатликнинг муҳим воситаси сифатида халқаро қарорлар қабул қилиш жараёнларида жамоатчилик фикрига кўпроқ таянади. Шу боис, БМТ фаолиятида парламент омилини кучайтириш, парламентларнинг трансчегаравий бирдамлик ва хайрихоҳлик руҳиятини давлатлараро муносабатларда кенгроқ жорий этиш, давлатлар ўртасидаги кескинлик ва муаммоларни ҳал этишда парламент нуқтаи назаридан ёндашиш, шунингдек, парламентнинг сиёсий мулоқот ресурсларидан фойдаланиш ҳозирги зиддиятларга бой халқаро вазиятни юмшатишнинг самарали воситаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Маълумки, парламент омили БМТ глобал фаолиятининг ҳам муҳим ва ажралмас қисмидир. Парламентлараро Иттифоқнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида миллий парламентларни яқинлаштиришдаги интилишлари БМТ Бош Ассамблеяси томонидан юқори баҳоланмоқда¹². Қайд этиш керакки, сўнгги пайтларда ушбу икки нуфузли ташкилотнинг ривожланиб бораётган изчил глобал ҳамкорлиги контекстида БМТ фаолиятида парламент ўлчамини янада кенгайтириш, Парламентлараро Иттифоқни БМТ таркибида “иккинчи ассамблея” сифатида қайта тузиш эҳтимоллари турли даражаларда муҳокама қилинмоқда¹³. Гарчи ҳозирда ушбу ғоянинг кўплаб тарафдорлари бўлса-да, уни амалга оширишнинг вақти ҳали келмаган, деб таъкидланмоқда¹⁴.

Парламентлараро Иттифоқи 2000 й.дан буён, ҳар беш йилда миллий парламентлар спикерлари умумжаҳон конференциясини ташкил этиб келмоқда. Одатда, мазкур йиғинларда халқаро парламентлараро ҳамкорлик кун тартибида турган асосий масалалар, вакиллик демократияси ва уни янада қўллаб-қувватлаш, барқарор тараққиёт, самарали бошқарувни таъминлаш каби масалалар муҳокама қилинади. Масалан, 2005 й.да БМТ қароргоҳида ташкил

¹² Саидов А.Х. Межпарламентские организации мира. Справочник. (Парламентское измерение международных организаций). – Москва, Международные отношения. -2004. - С.50-52.

¹³ Roche D. “The Case for a United Nations Parliamentary Assembly,” in Saul H. Mendlovitz and Barbara Walker (eds.): A Reader on Secondary Assembly and Parliamentary Proposals. Center for UN Reform Education. 2003.

¹⁴ De Puig L. Maria. International Parliaments. Council of Europe Publishing, 2008. –Pp. 39-45.

қилинган парламентлар спикерлари иккинчи умумжаҳон конференциясида спикерлар миллий парламентларни ҳамда парламентарийларни халқаро масалаларда кўпроқ маъсулиятни ўз зиммаларига олишга чақирдилар. Унда глобал сиёсий жараёнларда фаолроқ иштирок этиш учун парламентлар миллий, минтақавий ва халқаро даражада қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишлари муҳимлиги алоҳида урғуланди:

- *Миллий даражада.* Парламент фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш орқали халқаро музокаралар натижаларидан яхшироқ хабардор бўлиш, кенг омма тақдирига даҳлдор бўлган қарорлар қабул қилишда парламент омилини кучайтириш, давлатлараро шартномаларни ратификация ва имплементация қилишда фаол қатнашиш;

- *Минтақавий даражада.* Минтақавий парламент ташкилотларининг фаолиятдан унумли фойдаланиш асносида аъзо давлатлар ҳукуматларига таъсир ўтказиш; минтақавий парламент тузилмалари ёрдамида мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яхши кўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлаш;

- *Халқаро даражада.* Парламентлараро Иттифоқни глобал саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда Иттифоқ илгари сурадиган универсал кадриятларларни ҳукуматлараро ташкилотларга етказиш¹⁵.

Кўриниб турибдики, Парламентлараро Иттифоқ БМТ билан изчил ҳамкорликда халқаро сиёсатнинг таъсирчан воситасига айланиш мақсадида ўз олдида улкан мақсадларни қўймоқда. Шунингдек, бошқа қатор парламентлараро уюшмалар ҳам ҳукуматлараро келишувлар, халқаро ташкилотлардаги қарорлар қабул қилиш жараёнларини яқиндан кузатиб, улар устидан парламент назоратини ўрнатишга интилиб келмоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунга келиб парламентлараро ассамблеялар халқаро ташкилотлар институционал архитектурасининг ажралмас қисмига айланди¹⁶. НАТО Парламент Ассамблеяси, ЕХХТ ПА каби парламентлараро уюшмалар ҳатто ҳукуматлараро ҳарбий сиёсий ва хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи халқаро институтлар таркибида ҳам фаолият юритмоқда. Гарчи НАТОга аъзо давлатлар расмийлари аксарият ҳолларда мудофаа ва хавфсизликка оид музокаралар жараёнига парламентарийларнинг аралашувини

¹⁵ Second World Conference of Speakers of Parliaments. New York, September, 2005. Available at: <http://www.ipu.org/splz-e/sp-conf05.htm>.

¹⁶Marschall S. European parliaments in transnational organizations: Parliamentary cooperation beyond the European Union. Paper was prepared for the conference "Fifty years of interparliamentary cooperation", Bundesrat, Berlin, 2007. See: http://www.swp-berlin.org/fileadmin/contents/products/projekt_papiere/070829marschall_ks.pdf.

исташмаса-да, мазкур институтлар қошидаги парламент ассамблеялари аъзо мамлакатлар парламентарийларини умумхавфсизлик борасидаги муҳим масалалар билан имкон қадар яқинроқ таништиради. Шунингдек, парламент ассамблеялари кенг омма тақдирига дахлдор бўлган хавфсизлик соҳасидаги битимларни тузишда демократик принципларга оғишмай риоя этишни талаб этмоқда.

Маъмумки, парламентарийлар ўз фаолияти давомида кескин муаммоларни бартараф этиш мақсадида тамаддунлараро мулоқот ва диний бағрикенгликни қўллаб-қувватлайди. Сўнги йилларда халқаро парламент институтларининг ихтисослашув тенденциялари кучайиб бориши замирида гуманизм ғоялари, диний бағрикенгликни рағбарлантирадиган ҳамда ҳозирги зиддиятларга тўла бўлган бир даврда динлараро муносабатларни яхшилашни мақсад қилган Православ мамлакатлари парламентлараро ассамблеяси, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Парламентлараро Иттифоқи каби диний омил асосида тузилган ассамблеялар ҳам фаолият юритмоқда. Парламентлараро Иттифоқнинг 2017 йил Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган 137 чи ассамблеясидаги баҳс мунозараларнинг бош мавзуси ҳам айнан динлараро ва миллатлараро мулоқот орқали тинчлик ва маданий хилма-хилликни қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланди¹⁷.

Жаҳон сиёсатида парламентлараро институтлар сони ва таъсири ортиб бораётган бўлса-да, мазкур ташкилотлар халқаро муносабатларнинг самарали инструментиغا айланиб улгурди, деб хулоса чиқаришга ҳали етарли асослар мавжуд эмас. Халқаро парламент институтларининг жаҳон сиёсатидаги ўрни ва аҳамияти борасида қарама-қарши фикрлар, танқидий ва ишончсизлик руҳидаги қарашлар анча кенг тарқалган илмий ҳодисадир. Фикримизча, ушбу институтларнинг фаолиятига дахлдор бу каби муносабатлар ва илмий тортишувларнинг мазмун-моҳиятини умумлаштириб, шартли равишда икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳ халқаро ташкилотларнинг замонавий сиёсий жараёнлардаги ўрни ва ролига оид умумий танқидий фикрлар, скептик қарашлар ҳамда халқаро институциявий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболларига ишончсизлик каби қарашларни ўз ичига олади. Кўплаб халқаро ташкилотларнинг самарали иш юритиб, умумбашарий сиёсатнинг таъсирчан инструментиغا айланишига, аксарият ҳолларда, молиявий маблағларнинг етишмаслиги, ташкилий-маъмурий заҳираларнинг чекланганлиги, ўзаро алоқаларда ҳукуматлараро муносабатларга асосий урғу бераётганлиги каби

¹⁷ Қаранг: <http://archive.ipu.org/conf-e/137/SPB-declaration.pdf>.

омиллар салбий таъсир кўрсатмоқдаки, булар халқаро парламент институтларининг кундалик фаолиятини ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Сиёсатшуносликнинг институционализм оқими намояндалари (Р. Кеохейн, Э. Моравчик ва ҳ.к.) халқаро ташкилотлар етакчилигида янгича дунё тартиботини юзага келиш эҳтимолларини юқори баҳолашади ҳамда глобаллашув даврида халқлараро алоқаларнинг жадаллашуви ва умумжаҳон фуқаролик жамияти ҳаракатининг кучайиши контекстида халқаро ташкилотлар катта сиёсатда ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди, деган илмий прогнозларни илгари суришади. Масалан, атоқли олим Р.Кеохейн “совуқ урушдан кейинги ўн йилликларда Европада ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олиш изчил институционал ҳамкорлик архитектурасини яратишга боғлиқ¹⁸”, деб ҳисобласа, анъанавий кучлар мувозанати назариясининг тарафдорлари бўлган сиёсий реалистлар “ҳар қандай институционал халқаро тартиботнинг юзага келиш ёки келмаслиги давлатларга боғлиқ бўлиб қолаверади¹⁹”, деган қарама-қарши мулоҳазани ўртага ташлайди. Чунончи, сиёсий реализм йўналиши тарафдорлари (Г. Моргентау, К. Уолтц, Ж. Миршаймер, С.Уолт ва ҳ.к.) бундан кейинги дунёда ҳам давлатлар халқаро сиёсатнинг асосий акторлари бўлиб қолишини таъкидлаб, институционал принцип ва қарашларга асосланган дунё тартиботини яратиш уринишлари фақатгина утопик хоҳиш-истакларни акс эттириши ва шу боис, ҳеч қандай илмий ва амалий асосларга эга эмаслигига қатъий ишонадилар.

Иккинчи гуруҳда халқаро ташкилотлар тизимида бевосита парламентлараро институтларнинг тутган ўрни ва аҳамиятига оид танқидий қарашларнинг хусусиятлари таҳлил этиш ўринлидир. Бугунги кунда халқаро парламент институтларига оид илмий адабиётларда тез-тез учраб турадиган баҳс-мунозалар ва танқидларнинг мазмун-моҳиятини ушбу ташкилотларнинг халқаро аҳамиятга молик келишувларда ханузгача таъсири сезилмаётганлиги, уларнинг саъй-ҳаракатлари ОАВ ва кенг жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолаётганлиги, анъанавий “ҳукумат ва ҳукумат” ўртасидаги ҳамкорлик халқаро сиёсатнинг доминант бўғини бўлиб қолаётганлиги, аксарият ҳолларда, ижроия ҳокимияти вакиллариининг парламентарийларга реал имтиёз ва ваколатларни беришга унчалик иштиёқманд эмаслиги каби омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Мазкур параграфда билдирилган фикрларга хулоса сифатида шуни айтиш керакки, XX асрда ўзининг жадал тараққиёт йўлини бошлаган халқаро

¹⁸ Keohane O.Robert. “The Diplomacy of Structural Change: Multilateral Institutions and State Strategies,” in Helda Haftendorn and Christian Tuschhoff, eds., *America and Europe in an Era of Change*. Westview Press, 1993. –Pp. 53-54.

¹⁹ Waltz N. Kenneth. “Structural Realism after the Cold War,” in John Ikenberry ed., “America Unrivaled. The Future of the Balance of Power”. Cornell University Press, 2002. –Pp. 29-67. See also: Mearsheimer J. John. *The False Promise of International Institutions*.//International security, Winter 1994/95, Vol.19, No3. –P. 5-9.

парламентлараро институтлар бугунги кунга келиб замонавий халқаро муносабатларнинг ажралмас қисмига айланди. Ушбу ташкилотларнинг ташқи сиёсат, дипломатия ва халқаро муносабатларда фаоллашуви ҳамда умумжаҳон парламентлараро ҳамкорлик динамикасининг кучайиб бораётганлигини назарда тутиб, парламентлараро тузилмаларнинг мазмун-моҳияти, шакллари, аҳамияти каби мавзуларда комплекс тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Гарчи парламентлараро институтларнинг халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ва роли кўплаб танқидларга учраётган бўлса-да, мазкур тузилмалар сони ва фаолият кўламининг сўнгги ўн йилликларда жадал суръатларда ривожланиб, улар жаҳон сиёсатининг муҳим иштирокчига айланганлигини инкор этиб бўлмайди. Фикримизча, замонавий парламентлараро ҳамкорлик тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган халқаро парламент институтларининг глобал саъй-ҳаракатлари, ривожланиш тенденциялари ва асосий хусусиятларини тизимли равишда ўрганиб бориш ва зарур илмий-амалий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий мақсад ва вазифаларига хизмат қилади.